

Бир сурани икки ракатда қайта ўқиш жоиз

05:00 / 09.01.2017 4470

Жуҳайналик бир кишидан ривоят қилинади:

«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бомдод намозида «Иза зулзилатил Арзу» сурасини икки ракатда ҳам ўқиганларини эшитган экан.

«Билмадим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унутдиларми ёки қасддан қилдиларми», дейди».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Жуҳайна арабларнинг машҳур қабиаларидан. Саҳобийнинг номи маълум бўлмаса ҳам ҳадиси қабул қилинаверади. Чунки саҳобаи киромлар ҳаммалари одилдирлар.

Ушбу ривоятдан бир сурани икки ракатда қайта-қайта зам қилса жоизлиги чиқади. Чунки ножоиз бўлса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмас эдилар. У киши қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло тўғрилар эди.